

ИСХОҚХОН ТЎРА ИБРАТ.

Наманган вилояти тархи ва маданияти давлат музейининг

мустақиллик бўлим мудири: Азамат Ғаниев

Мухтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан ўзбек халқининг тараққий этишида фидойилик кўрсатган ҳамюртимиз Исмоқхон Ибратнинг эзгу ишларини амалга ошириш йўлида бошланган ташаббуси улкан тарихий ва тарбиявий аҳамиятга эга.

Кириш

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг миллий тарих, адабиёт ва маданият меросини тиклаш, уни холисона ўрганиш ҳамда кенг жамоатчиликка етказиш давлат сиёсати даражасидаги устувор вазифалардан бирига айланди. Айниқса, миллат тараққиётига муносиб ҳисса қўшган маърифатпарварлар, шоирлар, олимлар ва жамоат арбобларининг ҳаёти ҳамда ижодини илмий жиҳатдан тадқиқ этиш, уларнинг бой маънавий меросини келажак авлодга етказиш бугунги кунда муҳим аҳамият касб этмоқда. XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошлари ўзбек миллий уйғониш ҳаракати тарихида алоҳида ўрин тутди. Бу даврда яшаб ижод этган жаид зиёлилари халқни илм-фан, маърифат ва тараққиёт йўлига чорлаш, миллий ўзликни англаш ва замонавий таълим тизимини шакллантиришга катта ҳисса қўшдилар. Улар орасида Наманган воҳасининг етук фарзанди, таниқли маърифатпарвар, шоир, тилшунос, тарихчи, сайёх, ношир ва матбаачилик асосчиларидан бири Исмоқхон Тўра Ибратнинг ўрни бекиёсдир. Исмоқхон Ибратнинг серқирра фаолияти нафақат ўз даври маърифий ҳаёти, балки миллий матбуот, китобат, кутубхоначилик ва таълим тизими ривожидида ҳам муҳим аҳамият касб этган. У ташкил этган «Матбааи Исмоқия» ва «Кутубхонаи Исмоқия» Туркистонда илм-маърифат тарқалишига хизмат қилган йирик маънавий марказлардан бири ҳисобланади. Шунингдек, унинг илмий, тарихий ва тилшуносликка оид асарлари ўзбек маънавий меросининг қимматли қисми сифатида

эътироф этилади. Бугунги кунда Исоҳқон Ибратнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш, унинг бой меросини музей экспозициялари, архив ҳужжатлари ва қўлёзмалар асосида тадқиқ этиш муҳим илмий аҳамиятга эга. Жумладан, Наманган вилояти тарихи ва маданияти давлат музейида сақланаётган Ибрат ҳаёти ва фаолиятига оид экспонатлар, ҳужжатлар ҳамда нашрлар унинг маърифатпарварлик ғояларини ёритишда муҳим манба бўлиб хизмат қилмоқда. Мазкур мақолада Исоҳқон Тўра Ибратнинг ҳаёти, илмий ва ижодий фаолияти, миллий матбаачилик ва кутубхоначилиқ ривожига қўшган ҳиссаси, шунингдек, Наманган вилояти тарихи ва маданияти давлат музейида сақланаётган Ибрат меросининг музейшунослик аҳамияти таҳлил қилинади. Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданок аجدодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратилган улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш, ўрганиш, улардан халқни баҳраманд қилиш муҳим вазифа бўлиб қолди. Халқимиз мустақиллик ва озодликни қўлга киритгач, ўз тақдирининг чинакам эгаси, ўз тарихининг ижодкори, ўзига хос миллий маданиятининг соҳибига айланди. Бу борада Наманганлик зиёлиларнинг ижодини ўрганиш, асарларини нашрга тайёрлаш ҳам мустақиллик туфайли эришилган имкониятлар самарасидир. Ўтмиш адабиётимиз тарихида XIX аср охири XX аср бошларидаги давр ўзига хос ижтимоий зиддиятларга бойлиги, мураккаблиги билан ажралиб туради. XX аср бошларида яшаб ижод этган ёзувчи ва шоирларимиз ўзига хос фидойилик билан қалам тебратишган. Чунки бу давр ижодкорлари ўзбек халқининг эрки ва кадр-қимматини сақлаган ҳолда илм-маърифатни юксалтириш орқали юрт келажагини яратиш орзусида ҳаётларини хатарга қўйиб бўлса-да, истиқлол учун курашга чақиришгача бўлган йўлни босиб ўтишди. Бу даврда Наманган адабий ҳаракатчилиқ намояндалари ўз асарларида маърифатни юксалтиришга муносиб ҳисса қўшдилар.

Булар орасида Исоҳқон Тўра Ибратни алоҳида такидлаш мумкин. У 1862 йил 21 март куни Наманган вилояти Тўрақўрғон туманида зиёли оиласида таваллуд топган. Шоир Қўқонда араб, форс тилларини мукаммал ўрганади. Тарих, тилшунослик фанлари билан жиддий шуғулланади. 1886 йилда ўз қишлоғига қайтиб

келиб, қишлоқда илғор маорифчи сифатида мактаб очади, лекин бу мактаб генерал-губернаторлик амалдорлари томонидан ёпиб қўйилади. Исроҳон Иброт 1887 йилда узоқ чет эл сафарига отланади. Туркия, Эрон, Миср ва Арабистонга боради. 1892-1896 йилларда Иброт Ҳиндистон ва Калкуттада яшайди. Иброт рус тилини ва бу эрда қўп ишлатиладиган арбаилисонийни, яъни тўрт тилни: араб, форс, хинд-урду ва инглиз тилларини мукаммал ўрганади. Шарқ тиллари билан бир қаторда Ғарб тилларини ҳам билиш зарур деб ҳисоблаган Иброт Арабистонда франсуз тилини, Ҳиндистонда эса инглиз тилини, шу билан бирга, энг қадимий финикия, яҳудий, сурия, юнон ёзувларини ўрганганлиги ҳақидаги маълумотларни ўзининг “Жомеъул хутут” асарида қайд этиб ўтган. Исроҳон Иброт чет элларда халқ ҳаёти, уларнинг маданияти, санъати ва урф-одатлари билан яқиндан танишади, илмий асарлари учун қимматли манбалар тўплайди. Иброт чет элларда фозил кишилар, олимлар билан ҳам дўстлашади. Исроҳон Иброт 1896 йилда Ҳиндистондан Бирма орқали Хитойга, сўнгра Қашқарга ўтади ва Қашқардан ўз ватани Наманганга қайтиб келади¹. Тўрақўрғонга чет ўлкаларда яратилган фан-техника янгиликларидан олиб келади. Граммофон, совитгич (холодильник), киноаппарат, фотоаппарат келтиради. Ҳар бир олиб келинган маданият ашёлари ўзига хос қимматга эга, масалан, Ҳиндистондан олиб келинган “Сантур” номли мусиқа асбоби граммофондан анча илгари яратилган бўлиб, граммофон сингари ручка билан таноби айлантирилган. Унинг 40 сантиметрли ўқи бўлиб, унда мингдан ортиқ майда ниначалари бор. Ўқ айланганда ниначалар думалоқ дискага урилади ва 12 та мусиқа асари бирин-кетин ижро этилади. 1908 йилда Иброт яна бир хайрли ишга қўл уради. Оренбургдан Гауфман деган матбаачидан пулини 10 йил мобайнида тўлаш шарти билан литографик машина сотиб олади. Исроҳон литография анжомларини катта машаққат билан Қўқонгача поездда, Қўқондан Тўрақўрғонга туяларда олиб келади. 1908 йилда ўзи қурдирган ҳаммом ўрнида чопхона ташкил қилади ва уни “Матбааи Исроҳия” номи билан ишга туширади. Бу матбаада турли китоблар, савод чиқаришга оид рисолалар,

¹ “Ўзбек адаблари” Тошкент, Гофур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти 2016-йил Ўзбекистон.

дарсликлар, плакатлар, табрикномалар мунтазам нашр этиб турилган. Ибратнинг хуснихатга, хат-савод чиқаришга бағишланган “Санъати Ибрат, қалами Мирражаб Бандий” рисоласи, “Илми Ибрат” номли шеърлар тўплами, ёзувлар тарихига бағишланган “Жомеъ ул-хутут” каби маърифатпарварлик руҳи билан суғорилган рисола ва китоблари ҳам ўзи ташкил этган матбаада нашр этилади. “Матбааи Исроқия”нинг илм-маърифат тарқатиш мақсадида ташкил қилинганлигини яна шундан ҳам билишимиз мумкинки, Исроқхон матбаага нур таратаётган қуёшнинг тасвирини ишлаб, қуёш ичига “илм” сўзини ёзган. Бу билан Ибрат илмни нур сочаётган қуёшга ўхшатади. Бу рамзий тасвир мазкур матбаада чоп этилган барча китобларда мавжуд. Халқ орасида китоб ва турли рисоаларга талабнинг ортиши натижасида литография 1910 йилда Наманган шаҳрига кўчирилди ва типолитографияга айлантирилди. Намангандаги ҳозирги Исроқхон Ибрат номидаги матбаа-босмахона “Матбааи Исроқия” асосида ташкил топган. Маърифатпарвар шоир Исроқхон Ибрат 1913 йил ўз уйида анчагина бой кутубхона ташкил қилади ва уни “Кутубхонаи Исроқия” деб атади. Кутубхонадаги 50 дан ортиқ дарслик ва қўлланмалар ҳамда таълим-тарбия ва ўқитишга оид ўзбек, рус, турк, татар, форс-тожик тилларидаги кўплаб китоблардан нафақат Ибратнинг ўзи, балки бутун қишлоқ аҳолиси унумли фойдаланган. Кутубхонанинг мактаб ўқувчиларига бағишланган қисмида Саидрасул Саидазизовнинг “Устоди аввал”, Абдулла Авланийнинг “Биринчи муаллим”, “Иккинчи муаллим”, “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” каби китоблари мавжуд бўлган. Адабиётшунос олим Улуғбек Долимов маълумотига кўра, ЎзФА Шарқшунослик институтнинг қўлёзмалар фондида сақланувчи Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарининг Наманган нусхаси деб ном олган нодир қўлёзмаси “Кутубхонаи Исроқия”га мансуб бўлган. “Кутубхонаи Исроқия”даги китоблар сонининг ортиб боришида “Матбааи Исроқия”нинг ўрни катта эди. Бу матбаада чоп этилган китобларнинг деярли ҳаммасидан бир неча нусха “Кутубхонаи Исроқия”га топширилар эди. Кутубхонада ўша даврда чоп этиладиган турли газета ва журналлар ҳам бўлган. Афсуски, бу кутубхонадаги кўплаб нодир китоблар 1918-1920 йиллар ҳамда 1937 йилдаги

катагон даврида йўқ қилинган. Ибрат ўзининг 1926 йилда яратган “Тарихи маданият” асарида кейинги 20 йил ичида 14 та илмий-тарихий, лингвистик асарлар ва 30 йиллик назмий ижодининг мажмуи бўлмиш “Девони Ибрат” шеърлар тўпламини яратгани ҳақидаги маълумотни ёзиб қолдирган². Ибратнинг ибратли ҳаёт йўли ҳақидаги қимматли маълумотларни шоирнинг биринчи шеърлар тўплами “Илми Ибрат” ва тилшуносликка оид “Санъати Ибрат, қалами Мирражаб Бандий”, “Луғати ситта ал-сина”, “Жомеъ ул хутут” каби илмий-педагогик ҳамда “Тарихи Фарғона”, “Тарихи маданият”, “Мезон ул-замон” каби тарихий асарларида учратиш мумкин. 1908-йилда ўзбек ва рус тилларида чоп этилган Туркистоннинг илк газеталари, яъни “Туркестанские ведомости”, “Туркистон вилоятининг газетаси”да ҳам маърифатпарвар шоир, маорифчи Иброҳим Давроннинг Ибрат ҳақидаги қарашлари баён этилган. “Туркистон вилоятининг газетаси”, “Садой Туркистон”, “Садой Фарғона” каби газеталардаги дунёвий илм-фан, маърифатпарварлик ғоялари акс этган ҳамда илғор маданият ва чет тилларини ўрганишни тарғиб этиб ёзилган Ибратнинг 45 дан ортиқ мақолаларини ўқиб, адибнинг дунёқарashi кенглиги, Ватан, халқ манфаати ва истиқлоли йўлида жонини фидо қилишга тайёр турган биринчи ўзбек публицистларидан бири бўлганини ҳис этиш мумкин.

Хуллас, ўзбек маданияти маърифати ва адабиёти тарихини чуқур ўрганиш мақсадида мустақиллик йилларининг илк кунлариданоқ аجدодларимизнинг нодир асарлари юзасидан илмий изланишлар олиб бориш ҳамда ўтмиш шоирларимиз ҳаёти ва ижодини ҳаққоний тадқиқ этиш ишлари амалга оширилмоқда. Бу борада наманганлик шоир Исоҳқон Ибрат ижодини ўрганиш, қўлёзма асарларини нашрга тайёрлаш мустақиллик туфайли эришилган имкониятлар самараси бўлди. Исоҳқон Ибрат тараққийпарвар зиёли, атоқли маърифатпарвар шоир, хаттот, жонкуяр муаллим, сайёҳ, тилшунос ва тарихшунос олим, ўзбек матбаачилигининг асосчиси, ношир, публицист, бир сўз билан айтганда, серқирра фаолият эгаси³. Юқорида номи

² Ибрат. Танланган асарлар –Тошкент Маънавият 2005-йил Ўзбекистон.

³ Ғаниев Азамат Илхомжон уғли Наманган вилояти тарҳи ва маданияти давлат музейи Ўзбекистон.

санаб ўтилган асарлар ва XX аср бошларида чоп этилган газета, журналлар Исроқхон Ибратнинг ҳаёт йўли, адабий ҳамда илмий-назарий қарашларини ўрганишда муҳим манба ҳисобланади. Ўз жонини юрт истиқболи йўлида фидо қилишга қодир маърифатли, зиёли ватандошларимиз қатори Ибрат ҳам 1937-йилнинг илк баҳорида қамоққа олинади. Ўзбек зиёлилари ёстиғини қуритган қатағоннинг энг даҳшатли кезлари, яъни 1937-йилда бутун умрини ўз халқининг маърифати, истиқболи учун бахш этган 75 ёшли нуроний шоир Андижон турмасидаги жисмоний, руҳий азобларга бардош бера олмайди ва турмада икки ой ётиб, ҳаётдан кўз юмади. Қатағон қурбони бўлган зиёлиларимиз қаторида Исроқхон Ибрат ҳам 1959-йилда оқланади. Ҳозирги вақтда Наманган вилояти тарҳи ва маданияти давлат музейининг Адабиёт ва санъат бўлими экспозициясида Исроқхон Ибрат ҳаёти ва ижодий фаолиятига доир матриаллардан иборат стенд ташкил этилган бўлиб, зиёратчилар томонидан катта қизиқиш билан ҳамюртмиз тўғрисида етарли маълумотлар олишлари мумкин.